

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1452-ҳадис**

1452 - وَعَنْ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ جُوَيْرِيَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنْ عِنْدِهَا بُكْرَةً حِينَ صَلَّى الصُّبْحَ وَهِيَ فِي مَسْجِدِهَا، ثُمَّ رَجَعَ بَعْدَ أَنْ أَضْحَى وَهِيَ جَالِسَةٌ فَقَالَ: «مَا زِلْتِ عَلَى الْحَالِ الَّتِي فَارَقْتُكَ عَلَيْهَا؟» قَالَتْ: نَعَمْ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَقَدْ قُلْتُ بَعْدَكَ أَرْبَعَ كَلِمَاتٍ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، لَوْ وُزِنَتْ بِمَا قُلْتَ مِنْذُ الْيَوْمِ لَوَزِنَتْهُنَّ: سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ عَدَدَ خَلْقِهِ، وَرِضَا نَفْسِهِ، وَزِينَةِ عَرْشِهِ، وَمِدَادَ كَلِمَاتِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2726].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: «سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضَا نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِينَةَ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادَ كَلِمَاتِهِ» [2726].

وَفِي رِوَايَةِ التِّرْمِذِيِّ: «أَلَا أَعْلَمُكُمْ كَلِمَاتٍ تَقُولِينَهَا؟ سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضَا نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضَا نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِينَةَ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِينَةَ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادَ كَلِمَاتِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادَ كَلِمَاتِهِ» (ت 3555).

1452. Уммул мўминин Жувайрия бинтил Ҳорис розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб бомдодни ўқишга менинг

олдимдан чиқдилар. Мен ўз намозгоҳимда ўтирган эдим. Чошгоҳда қайтиб келганларида ҳалиям ўтирган эдим. Шунда у зот: «Олдингдан чиқиб кетганимдан бери шу ҳолатда ўтирибсанми?» дедилар. «Ҳа», дедим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга шундай дедилар: «Мен сенинг олдингдан чиқиб кетганимдан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар улар билан сен бугун айтган нарсалар тарозига солинса, оғир келади: «Субҳааналлоҳи ва биҳамдих, ʼадада холқиҳ, ва ридо нафсиҳ, ва зината ʼаршиҳ, ва мидаада калимаатиҳ», дедилар».

* Маъноси: «Аллоҳга ҳамд айтиб, яратган махлуқотларининг ададича, Ўзи рози бўлгунича, Аршининг оғирлигича ва калималарининг саноғича поклаб ёд этаман».

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида: «Субҳааналлоҳи адада холқиҳи. Субҳааналлоҳи ридо нафсиҳи. Субҳааналлоҳи зината аршиҳи. Субҳааналлоҳи мидаада калимаатиҳи» дейилган.

* Маъноси: «Аллоҳни яратган махлуқотларининг ададича поклаб ёд этаман, Аллоҳни Ўзи рози бўлгунича поклаб ёд этаман, Аллоҳни Аршининг оғирлигича поклаб ёд этаман, Аллоҳни калималарининг саноғича поклаб ёд этаман».

“Имом Термизий ривоятида у зот: «Сенга айтишинг учун калималарни ўргатиб қўяйми? – «Субҳаналлоҳи адада холқиҳи, Субҳаналлоҳи адада холқиҳи, Субҳаналлоҳи адада холқиҳи, Субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳаналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳаналлоҳи зината аршиҳи, Субҳаналлоҳи зината аршиҳи, Субҳаналлоҳи зината аршиҳи, Субҳаналлоҳи мидаада калимаатиҳи, Субҳаналлоҳи мидаада калимаатиҳи, Субҳаналлоҳи мидаада калимаатиҳи», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадисда номлари келган Жувайрия бинти ал-Ҳорис онамизнинг исмлари аслида Барра бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ул муҳтарамани Жувайрия деб, марҳамат қилганлар. Ул муҳтарамма зикр билан кўп машғул бўлишлари ушбу ривоятдан маълум бўлиб турибди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларидан чиқаётганларида ҳам намозгоҳларида ўтириб олиб зикр қилаётган эканлар. У зот ташқарида ишларини ботириб қайтиб келсалар ҳам ўша жойда ўтириб, зикрда давом қилаётган эканлар. Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳали ҳам ушбу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа» дедилар Жувайрия онамиз зикрни муттасил давом эттираётганларини тасдиқлаб.

Ана шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр билан зикрнинг фарқи борлигини айтиб, Жувайрия онамизга ўхшаб баъзи бир зикрларни

узоқ ва кўп такрорлагандан кўра, бошқасини оз такрорлаб, кўп савоб олиш мумкинлигини баён қилдилар:

«Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарсa билан тортилса, ортиқ келур», дедилар.

Яъни, мен олдингдан чиқиб кетганимдан буён ҳозиргача айтган зикринг савобини тарозунинг бир палласига, мен уч мартагина айтган тўрт калиманинг савобини бошқа палласига қўйса, мен айтганларим савоби босиб кетади, деган бўладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган калималарининг маъноси эса, бундай эди:

«Аллоҳга махлуқотлари ададича, Унинг Ўзи рози бўладиганча, Аршининг оғирлигича ва калималарининг оғирлигича поклаш ва ҳамд бўлсин».

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Жувайрия онамиз намозгоҳда ўтирганларидан намоз ортида қилинадиган зикр тўғрисида гап бораётганини тушунилади.
2. Жувайрия онамизнинг зокира аёл эканликлари.
3. Зикр билан зикр орасида фарқ борлиги.
4. Зикрни устоздан ўрганиш яхши эканлиги.
5. Зикрни ўзича қилаётган одамда камчилик бўлса, биладиган одам тўғрилаб қўйиши зарурлиги.
6. Ривоятда келган зикрнинг ўта фазилатли ва савоби кўп эканлиги.

Манба: hadis.islom.uz



